Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 14 октябрь, № 203 (6638) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2016 йил 13 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини, 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижадорлигини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, шунингдек, иқтисодиёт ва унинг тармоқларини ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва модернизациялашни чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларини бажариш, жорий йилда фойдаланишга топшириладиган энг муҳим объектларни ишга туширишни сўзсиз таъминлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, маҳаллий маҳсулотлар экспортини кўпайтириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва танқидий таҳлил қилинди.

Қайд этилдики, глобал иқтисодиётнинг ривожланиши тобора секинлашиб бораётгани ва жаҳон бозорларидаги ноқулай шарт-шароитларга қарамай, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва унинг ислоҳотларни амалга оширишга доир бешта машҳур тамойилига асосланган мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш ва ривожлантириш стратегиясини мақсадли ва тизимли амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда макроиқтисодий мувозанат ва иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари сақланиб қолмоқда.

Жорий йил 9 ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсиши 7,8 фоизни, саноат ўсиши 7,2 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми ўсиши 15 фоизни, чакана савдо айланмаси ўсиши 14,2 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,4 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш бўйича дастурий чора-тадбирлар фаол амалга оширилмоқда. Замин заҳматкашларининг фидокорона меҳнати ва миришкорлиги туфайли, мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бой ҳосили етиштирилди ва йиғиштириб олинди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6,4 фоиз ўсиши таъминланди.

Аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини узлуксиз ошириш йўналиши давом эттирилди. Ўтган 9 ойда ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоиз ошган, жорий йил 1 октябрдан эса бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар яна 15 фоиз оширилди. Янги қишлоқ массивларида замонавий намунавий лойиҳалар бўйича 12 мингтадан ортиқ шинам ва қулай шахсий уй-жой фойдаланишга топширилди.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 6,8 триллион сўмдан ортиқ ва 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари эътибори Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан йўлланган табрикномада “...биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр ... барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янгича фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқарув тизимини замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда...” деб белгилаб берилган вазифага қаратилди.

Ушбу талабдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари олдига иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларини ривожлантириш бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган дастурларнинг 2016 йилга кўзда тутилган барча чора-тадбирлари, прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларини сўзсиз ижро этиш учун мавжуд ресурс ва захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Шунингдек, 2017 йил ва келгуси йилларда иқтисодий ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатларини сақлаб қолиш учун мустаҳкам замин яратиш вазифаси топширилди.

Банк тизими барқарорлиги ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва модернизациялашга доир инвестиция лойиҳаларига, шунингдек, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кредит ажратиш ҳажмларини кенгайтириш масалалари мажлис иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Мажлисда давлат активларини, акциядорлик жамиятлари ва корхоналар устав фондларидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улушларини хусусий мулкка, энг аввало, хорижий инвесторларга сотиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик вазифалари ва энг муҳим мақсадли параметрларини сўзсиз бажариш учун бошқарув услубларини тубдан ва танқидий қайта кўриб чиқиш зарурлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2016

2016 йилнинг 13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия Раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси мажлиси

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самаралі ташкил қилиш масалаларига бағишланган тадбирлар режасини муҳокама қилди.

Қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юқори ташкилий савияда ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади.

(Давоми 3-бетда).

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари ишини якунлади

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан мамлакатимизга ташриф буюрган ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайлов департаменти раҳбари Александр Шлик бошчилигидаги Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси ўз фаолиятини якунлади.

Уч кун давомида миссия экспертлари миллий сайлов қонунчилиги ва Президент сайловига тайёргарлик кўриш жараёнининг боришини ўрганиш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Олий суд, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) идорасида учрашувлар ўтказди. Кеча Бюро экспертлари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда сиёсий партияларда ҳам бўлишди.

(Давоми 2-бетда).

Участка сайлов комиссиялари таркибига номзодлар тавсия қилинмоқда

Юртимизнинг барча ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Хусусан, жойларда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг сессиялари ўтказилиб, Президент сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни тавсия этиш масаласи муҳокама қилинаяпти.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонунга кўра, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5 — 19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Навоийда “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан янада яхшилаш — иқтисодий барқарор ўсиш ва жамият фаровонлигининг кафолати” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● **Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси томонидан “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган матбуот анжуманида сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилган янгиланишлар ҳақида сўз юритилди.

● **Тошкент молия институтида Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади” мавзуида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.**

● Бўстонлиқ туманидаги “Камолот” ёшлар оромгоҳида “Кино ва ёшлар” II Республика форуми бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон пахта толаси — дунё эътирофида

XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасига 40 дан зиёд давлатдан ташриф буюрган таниқли мутахассислар, олимлар, енгил саноат соҳасидаги йирик корхоналар ҳамда савдо компаниялари вакиллари юртимиз пахта толаси сифатига жуда юқори баҳо бердилар. Зеро, икки кун давом этган мазкур нуфузли тадбирда 550 минг тонна ўзбек пахта толаси ва умумий қиймати 1 миллиард 322 миллион АҚШ долларилик тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича шартномалар имзоланган ана шундай эътирофларнинг амалий тасдиғидир. Ўз навбатида, бу ўзбек пахта толаси ҳамда у асосида тайёрланган қўшимча қийматга эга маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги мавқеи юксалиб, рақобатдошлиги таъминланаётганидан дарак беради.

Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг йил сайин ортиб бораётгани бежиз эмас, албатта. Бу, энг аввало, оқилона экспорт сиёсати юритилиб, барчага тенг имконият яратиб берилаётгани самараси ҳисобланади.

Чиндан ҳам, табиийлиги билан ном қозонган маҳсулотларимизни сотиб олишда ҳеч қандай чеклов қўйилмаган. Қолаверса, уни ҳеч бир воситачиларсиз, тўғридан-тўғри харид қилиш, узоқ муддатли келишувларга эришиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Шу боис тўқимачилик саноати тараққий этаётган мамлакатлар дунё пахта бозорида савдолар фаоллашган бир пайтда юртимиз томон ошиқадилар. Мақсад битта: у ҳам бўлса, ўзбек толасидан кўпроқ сотиб олиш.

(Давоми 3-бетда).

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан шу йил 12 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатларининг ёрқин ифодаси, жамиятда инсон ҳамда унинг манфаатлари устуворлигининг яна бир далили бўлди. Буни, албатта, юртимиз аҳолиси чуқур миннатдорлик ва мамнуният билан кутиб олди.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳамма нарсадан устувор

Парламентимиз аъзолари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари амнистия актининг моҳияти ва аҳамияти, унинг ижросини таъминлаш борасидаги масъулият хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Муҳаммаджон ЗУФАРОВ, «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси, сенатор:

— Инсон учун оиласи даврасида, яқинларининг дийдорига тўйиб, озод ва хотиржам яшашдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Бироқ бу ҳаётда адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган ва натижада мана шундай бахтдан мосуво бўлганлар йўқ эмас. Улар орасида кексаларнинг ҳам борлиги таассуфли. Одил суд ҳукми билан тегишли жазони ўтаётган ҳамда ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бу инсонларга яна оиласи бағрида, ҳалол, тўғри яшаш учун имконият берилиши чинакам раҳмдиллик намунасидир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи тақдимномасига асосан, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорда 60 ёшдан ошган эркакларнинг ҳам жазони ижро этиш муассасаларидан белгиланган тартибда озод этилиши кекса авлод вакиллари алоҳида эътиборда эканини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда).

Сайловчилар учун «Ишонч телефони»

Маълумки, Марказий сайлов комиссияси қарори билан Сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури тасдиқланган. Ушбу ҳужжат асосида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, уларни амалда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Очиқлик, ошкоралик ва транспарентликни таъминлаш учун тегишли шароитлар яратилаяпти. Сайловга тайёргарлик жараёнида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий институтлар ҳам иштирок этаётир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) идорасида бугундан эътиборан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида “Ишонч телефони” ишга туширилди.

Омбудсман котибияти масъул ходими Габит Айдаровнинг маълум қилишича, “Ишонч телефони” орқали фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, шунингдек, сайловчилар рўйхатини тузиш, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар билан учрашувларда қатнашиш, овоз бериш, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш, қолаверса, сайлов бюллетенини тўлдириш сингари сайлов жараёнига таллуқли масалалар юзасидан малакали юридик маслаҳат, зарур ахборотларни олиш мумкин.

“Ишонч телефони” сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий тадбирдаги фаоллигини юксалтириш, шунингдек, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишларига тўсқинлик қилиш ҳолатлари мониторинги ҳамда уларнинг олдини тезкорлик билан олиш чораларини кўриш имконини беради.

“Ишонч телефони”га 1096 рақами орқали душанба — жума кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қўнғироқ қилиш мумкин. Хизмат учун ҳақ олинмайди. Шу йилнинг 3 — 4 декабрь кунлари мазкур хизмат 24 соат давомида ишлайди.

Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунда биринчи галдаги ва стратегик вазифа сифатида иқтисодиётни чуқур ислоҳ қилиш, янада диверсификациялаш ва модернизациялаш, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича ишларни кучайтириш шартлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчиларининг асосий эътибори жорий йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида белгилаб берилган тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини кафолатлаш ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни кенгайтириш бўйича тасдиқланган ўрта муддатли дастурлар доирасида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги чуқур ва батафсил таҳлил қилинди.

Саноат тармоқларини чуқур таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, ривожланган ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг — 9,4 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар — 11,2 фоизга ўсишини таъминлагани қайд этилди.

Йил бошидан буён 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 100 та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилгани қайд этилди. Вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарларининг йил охиригача ишга тушириш мўлжалланган 64 та йирик ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топширишни сўзсиз таъминлаш, шунингдек, 2017 йил учун ишлаб чиқариш дастурлари учун зарур хом ашё ва материалларни, энг аввало, Х Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида харид қилишга шартномалар тузишни тезлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари белгилаб олинди.

Бир қатор вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори муҳандислик-коммуникация, йўл транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари, бир қатор вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳамда энг муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича 14 та ўрта муддатли дастурлар лойиҳаларини тайёрлашни тугаллаш ва тасдиқлаш учун киритиш топширилди. Булар қаторида сув, электр таъминоти, аҳолига транспорт хизматини кўрсатишни яхшилаш, маҳаллий автомобиль йўлларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мактабгача таълим муассасалари ва бозорларни модернизациялаш, кам таъминланган ва ёш оилалар учун арзон уй-жойлар қуриш, аҳолини арзон дори воситалари билан таъминлаш, аёллар, болалар ва пенсионерларга тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш дастурлари ишлаб чиқилади.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмлари ва турларини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш йўли билан маҳсулотлар ва хизматларни экспорт қилиш прогноз кўрсаткичларига эришиш юзасидан ишларнинг натижадорлигини пухта таҳлил қилишга диққат-эътибор қаратилди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликларига маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, жойлаш ва ташиш бўйича зарур инфратузилмани ривожлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни кўзда тутган ҳолда, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 та туманнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Бош вазирнинг ўринбосарлари, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятлари, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фондини, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз/қиш мавсумига тайёрлаш ва уларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини тугаллаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмасига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, ички бозорда нархларнинг асоссиз кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан, талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қиш/баҳор мавсумида уларни аҳолига сотишни тизимли йўлга қўйишни таъминлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

Участка сайлов комиссиялари таркибига номзодлар тавсия қилинмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар ва туманлар Кенгашлари сессияларида сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилишининг, давлат ҳамда жамият бошқарувида фуқаролар иштирокининг асосий шакли экани алоҳида таъкидланмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос келадиган сайлов тизими шакллантирилди. Мустақил сайлов комиссиялари сайловлар миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, қонунийлик, ошкоралик, холислик ва адолатлилик тамойиллари асосида ўтказилишида мустаҳкам замин бўлмоқда.

Халқ депутатлари Чимбой тумани Кенгаши сессиясида ҳудудда 44 та сайлов участкаси тузилгани ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзолигига энг муносиб фуқаролар номзодини кўрсатиш зарурлиги қайд этилди.

— Участка сайлов комиссияси раиси ва аъзолигига катта обрў-эътиборга эга бўлган, олдинги сайлов жараёнларида амалий тажриба тўплаган инсонлар тавсия қилинганини айтиб ўтиш зарур, — дейди туман Кенгаши депутати Бекбосин Ганиев. — Сессияда участка сайлов комиссияси учун номзодлар депутатлар томонидан бирма-бир муҳокама қилиниб, уларни округ сайлов комиссиясига тавсия этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ишонамизки, улар сайлов жараёнини уюшқоқлик, амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатини йўналтиради.

Бухоро вилоятида ҳам сайловга тайёргарлик ишлари айни авжида. Жумладан, жойларда сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар учун барча қулайлик ҳамда шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Вилоятнинг туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 500 та участка сайлов комиссияси таркибига номзодлар тавсия этилади.

— Мамлакатимизда сайловни демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асос яратилган, — дейди халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши депутати Эркин Ҳасанов. — Сайлов жараёнини ушбу ҳуқуқий қоидаларни амалиётда тўғри қўллаган ҳолда, юксак даражада ташкил қилиш фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш участка сайлов комиссиялари аъзоларидан катта масъулият талаб этади. Шу боисдан ҳам участка сайлов комиссиялари таркибига ҳар жиҳатдан муносиб номзодларни тавсия қилишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бугунги сессияда туманимизда ташкил этиладиган 40 та участка сайлов комиссияси аъзолиги учун эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган, катта меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга номзодлар кўрсатилди. Номзодларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил қилгани ҳам диққатга сазовордир.

Наманган вилояти туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик, хусусан, участка сайлов комиссиялари аъзолиги учун номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Уларда қайд этилаётганидек, сайловда вилоят бўйича 1 миллион 771 минг нафардан зиёд фуқаро овоз бериши кутилаяпти.

Халқ депутатлари Косонсой тумани Кенгаши сессиясида 6-Наманган сайлов округига тақдим этиш учун ҳудуддаги 48 та участка сайлов комиссияси таркибига номзодлар кўриб чиқилиб, атрофлича муҳокама қилинди.

— Номзодларнинг сиёсий фаоллиги, билими, ҳаётий тажрибаси ҳамда жамоатчилик ўртасидаги обрў-эътиборига жиддий аҳамият берилди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Муҳаммадхон Акрамов. — Ишонч билан айтиш мумкинки, участка сайлов комиссиялари таркибига киритилаётган номзодлар муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик кўриш ва уни демократик тамойиллар асосида, ошкоралик руҳида ўтказиш жараёнида фаоллик кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи **7-Самарқанд округ сайлов комиссияси** матбуот марказидан маълум қилинишича, халқ депутатлари Пахтачи тумани Кенгашининг сессиясида ҳудуддаги 36 та участка сайлов комиссияси учун номзодлар ўрганиб чиқилди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўриш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш, овоз бериш жараёнини сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этишда сайлов комиссияларининг муҳим бўғини — участка сайлов комиссияларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта, — дейди халқ депутатлари Пахтачи тумани Кенгаши депутати Анвар Асроров. — Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул бўлган, давлат ҳокимияти ваколатига эга коллегиал давлат органи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг таркибига халқ орасида обрў-эътибор қозонган, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлардан хабардор, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муайян тажрибага эга бўлган кишиларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ. Сессияда ҳар бир участка сайлов комиссияси таркибига муносиб номзодлар маъқулланиб, тасдиқлаш учун округ сайлов комиссиясига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Сирдарё вилояти туман ва шаҳарларида бўлиб ўтаётган маҳаллий Кенгашларнинг сессияларида участка сайлов комиссиялари таркибига киритиш учун номзодларни тавсия этиш билан боғлиқ масала таҳлил қилинмоқда.

— Бўлажак сайловда туманимиз бўйича 47 минг нафардан зиёд сайловчи овоз беради. Ушбу сиёсий тадбирнинг энг муҳим воқеаси, яъни овоз бериш жараёни 31 сайлов участкасида ўтказилади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг ҳаммаси сайловчиларга ҳар жиҳатдан қулай ва замонавий бинолларга жойлаштирилиб, зарур шароитлар яратилмоқда, — дейди халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгаши депутати Қаҳрамон Исмоилов. — Бўлиб ўтган сессияда жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган юртдошларимизни номзод сифатида кўрсатишга алоҳида аҳамият берилди. Уларнинг аксарияти аввал бўлиб ўтган сайловларда ҳам қатнашиб, етарли тажриба тўплаган фуқаролар ҳисобланади. 8-Сирдарё сайлов округига тасдиқлаш учун тақдим этилган номзодлар орасида хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Шунингдек, халқ депутатлари Гулистон, Мирзаобод, Сирдарё туманлари ҳамда Янгиер ва Ширин шаҳар Кенгашлари сессияларида участка сайлов комиссиялари таркибига номзодлар тавсия қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари таркибига номзодларни муҳокама этиш ҳамда тавсия қилиш бўйича халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлиб ўтмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳамма нарсадан устувор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур амнистия акти профилактик, ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Унда муайян тоифадаги шахсларни нафақат жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, балки уларни даволаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий реабилитация қилиш борасида ҳам қатор тадбирлар кўзда тутилганки, буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳамда унинг ҳаёти, эркинлиги ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятга айланганидан далолат беради.

Шубҳасиз, озодликка чиққан фуқароларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш бўйича ташкилий-маърифий ишларни амалга ошириш, уларнинг оилаларидаги муҳит ва яшаш шарт-шароитларини ўрганиб, профилактика тадбирларини ўтказиш, жамоатчилик назоратини олиб боришда маҳалла институти салмоқли ўрин тутади.

Икром ҚОРАТАЕВ,
Сирдарё вилояти Фермерлар кенгаши раиси, сенатор:

— Мамлакатимизда барча соҳада, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлаш, жамиятда инсонпарварлик тамойилини қарор топтиришга хизмат қилмоқда. Президент вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тақдимномасига мувофиқ, парламент юқори палатаси томонидан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор ҳам фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муҳофазасига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Бинобарин, билиб-билмай тўғри йўлдан адашганларга суянч бўлиб, уларга имконият бериш, ўзларини ҳар томонлама тиклаб олиши учун кўмаклашиш жамиятимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати улуғлигини кўрсатади. Шу билан бирга, кенг кўламли ислоҳотларда нафақат демократик тамойиллар, балки миллий қадриятларимизнинг негизига айланган меҳр-шафқат ва мурувватли бўлиш, бағрикенглик каби юксак фазилатлар устуворлик касб этаётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, амнистия актини татбиқ этиш борасида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш, бунинг учун парламент назоратини самарали амалга ошириш биз, сенаторлар зиммасига катта масъулият ва муҳим вазифалар юклайди. Жазодан озод этилганларнинг ҳаётга мослашуви ҳамда ижтимоий ҳимоясига оид чораларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, мазкур йўналишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини кафолатлаш айни заруратдир.

Ойбек ИСОҚОВ,
Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси ўринбосари:

— Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан аҳоли ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, имконияти чекланган шахсларнинг оила ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун тенг шарт-шароит яратиш, ижтимоий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида тизимли ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалиётга йўналтирилган амнистия актида ҳам аҳолининг ушбу қатлами вакиллари инобатга олингани ғоятда аҳамиятлидир. Қарорга асосан, қонунда белгиланган тартибда I ёки II гуруҳ ногиронлари жазодан озод этилиши замирида эҳтиёжманд инсонларни умидсизлик ва ишончсизлик кайфиятидан халос этиб, жамиятнинг бошқа аъзолари қаторида хотиржам ҳаёт кечириши учун имконият бериш мақсади мужассам. Бу эса барча жабҳада ижтимоий адолат тамойили бош мезон эканини, ижчил демократик ислоҳотлар юксак инсонпарварлик ғоялари билан суғорилганини яна бир карра тасдиқлайди.

Қолаверса, жазодан озод этилган ногиронлар оиласи ва яқинлари бағрига қайтгач, жамиятга мослашиши, муносиб ҳаёт кечириши учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давлат органлари қаторида нодавлат ташкилотлар ҳам ўз ташаббус ва лойиҳалари билан фаол қатнашиши жуда муҳим.

Сардор НЕЪМАТЖОНОВ,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоли:

— Навқирон авлодга ҳар тарафлама ғамхўрлик кўрсатиш, замонавий билим ва дунёқарашга эга, баркамол фарзандларни вояга етказиш борасида юртимизда мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асос яратилган. Хусусан, 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш қонун билан тартибга солиниб, ҳар бир боланинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш каби аниқ вазифалар бу борадаги давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан, амнистия актининг биринчи бандига мувофиқ, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жазодан озод қилиниши вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, эътиборсизлик, оиладаги носоғлом муҳит ёки бошқа омиллар оқибатида жиноят оламига кириб қолган ўғил-қизларнинг таълим-тарбиясини тўғри йўналтириш, уларга ўз салоҳиятини, иқтидорини намоён этиб, ривожлантириши учун шароит яратиш саъй-ҳаракатларининг узвий давомидир. Зеро, йиқилганни суяш, айниқса, ҳали мустақил ҳаётга қадам босмаган, ниҳол каби ёш фарзандларнинг хатосини кечириб, бошини силаш ҳамда уларни эзгулик йўлига бошлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Ёшлар, жумладан, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этиш ҳолатларининг олдини олиш, бунинг учун улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш, бугунги таҳликали замонда навқирон авлодни турли иллатлардан асраш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш долзарб аҳамиятга эга. Мана шундай муҳим вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати янада самарали ёндашувлар билан ўз улушини қўшиши лозим.

Қолаверса, амнистия актига кўра, озодликка чиқарилган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, касб-ҳунар ўрганиб, иш билан таъминланиши учун зарур чора-тадбирларни қўллаш орқали уларни қайта жиноятга қўл уриши ёки жамиятдан ажраб қолиши каби нохушликлардан асраймиз.

Амнистия актини татбиқ этиш адашган фуқароларни ўз хатоларидан сабоқ чиқариб, ҳаётнинг қадрига етиш ҳамда шукроналик билан яшашга ундайди, оиласи ва эл-юрт олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

«Халқ сўзи» мухбири Фарида МАҲКАМОВА ёзиб олди.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари ишини якунлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашувларда юртимизда миллий сайлов қонунчилиги шакллантирилгани ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тўпланган тажриба ҳамда умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида ва хорижий давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилган ҳолда такомиллаштириб борилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Биргина сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори, Германиянинг Ф. Эберт ва К. Аденауэр жамғармалари ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда 10 га яқин халқаро анжуман ва давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда Европа, Осиё, Америка ва МДҲ мамлакатлари, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда МДҲ Ижроқўми экспертлари иштирок этди. Тажриба алмашиш, демократик сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида ўзбекистонлик мутахассисларнинг Франция, Испания, Польша, Дания, Буюк Британия, Корея Республикаси, Россия, Ҳиндистон каби давлатларга 20 га яқин амалий ташрифлари уюштирилди. Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари миссиялар таркибида Арманистон, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Украина, Корея Республикаси, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги парламент ва Президент сайловларида халқаро кузатувчилар сифатида қатнашишди.

2010 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Латвия, Литва ҳамда Корея Республикаси сайлов органлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. Ушбу битимлар тажриба ва ахборот алмашишга хизмат қилмоқда. Ривожланган демократик давлатларнинг сайловларни ўтказиш соҳасидаги тажрибаси ҳамда амалиётини ўрганишга ЕХҲТ билан "Ўзбекистон Республикаси сайлов амалиётини такомиллаштиришга кўмаклашиш" лойиҳаси катта ҳисса қўшди. Лойиҳа доирасида Марказий сайлов комиссияси мутахассислари сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, сайлов амалиётини такомиллаштириш, сайлов ташкилотчилари ҳамда сайлов жараёни субъектлари малакасини ва сайловчиларнинг электорал маданиятини оширишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Бош вазирнинг ўринбосарлари, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ўзбекэнерго", "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамиятлари, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодиёт тармоқларини, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини куз/қиш мавсумига тайёрлаш ва уларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш ишларини тугаллаш юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмасига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмларда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, ички бозорда нархларнинг асоссиз кескин ўсиб кетишига йўл қўймасдан, талабни ва нархлар конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда қиш/баҳор мавсумида уларни аҳолига сотишни тизимли йўлга қўйишни таъминлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, республиканинг йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

Участка сайлов комиссиялари таркибига номзодлар тавсия қилинмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар ва туманлар Кенгашлари сессияларида сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилишининг, давлат ҳамда жамият бошқарувида фуқаролар иштирокининг асосий шакли экани алоҳида таъкидланмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда демократик талабларга ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга тўла мос келадиган сайлов тизими шакллантирилди. Мустақил сайлов комиссиялари сайловлар миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, қонунийлик, ошкоралик, холислик ва адолатлилик тамойиллари асосида ўтказилишида мустаҳкам замин бўлмоқда.

Халқ депутатлари Чимбой тумани Кенгаши сессиясида ҳудудда 44 та сайлов участкаси тузилгани ҳамда участка сайлов комиссиялари аъзолигига энг муносиб фуқаролар номзодини кўрсатиш зарурлиги қайд этилди.

— Участка сайлов комиссияси раиси ва аъзолигига катта обрў-эътиборга эга бўлган, олдинги сайлов жараёнларида амалий тажриба тўплаган инсонлар тавсия қилинганини айтиб ўтиш зарур, — дейди туман Кенгаши депутати Бекбосин Ганиев. — Сессияда участка сайлов комиссияси учун номзодлар депутатлар томонидан бирма-бир муҳокама қилиниб, уларни округ сайлов комиссиясига тавсия этиш бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ишонамизки, улар сайлов жараёнини уюшқоқлик, амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш учун барча саъй-ҳаракатини йўналтиради.

Бухоро вилоятида ҳам сайловга тайёргарлик ишлари айни авжида. Жумладан, жойларда сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар учун барча қулайлик ҳамда шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Вилоятнинг туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 500 та участка сайлов комиссияси таркибига номзодлар тавсия этилади.

— Мамлакатимизда сайловни демократик тамойилларга мос ҳолда ўтказиш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асос яратилган, — дейди халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши депутати Эркин Ҳасанов. — Сайлов жараёнини ушбу ҳуқуқий қоидаларни амалиётда тўғри қўллаган ҳолда, юксак даражада ташкил қилиш фуқаролар сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш участка сайлов комиссиялари аъзоларидан катта масъулият талаб этади. Шу боисдан ҳам участка сайлов комиссиялари таркибига ҳар жиҳатдан муносиб номзодларни тавсия қилишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бугунги сессияда туманимизда ташкил этиладиган 40 та участка сайлов комиссияси аъзолиги учун эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган, катта меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга номзодлар кўрсатилди. Номзодларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил қилгани ҳам диққатга сазовордир.

Наманган вилояти туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик, хусусан, участка сайлов комиссиялари аъзолиги учун номзодлар кўрсатиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Уларда қайд этилаётганидек, сайловда вилоят бўйича 1 миллион 771 минг нафардан зиёд фуқаро овоз бериши кутилаяпти.

Халқ депутатлари Косонсой тумани Кенгаши сессиясида 6-Наманган сайлов округига тақдим этиш учун ҳудуддаги 48 та участка сайлов комиссияси таркиби-

Марказий сайлов комиссияси мажлиси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ҳамда уларнинг сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича кўникмаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинар-тренинглар ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тадбирлар республика онлайн семинар-тренинги, шунингдек, участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар-тренинглар шаклида ўтказилиши мўлжалланган. Бунда участка сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар рўйхатини тузиш ва унга ўзгартишлар киритиш, муддатидан олдин овоз беришни ҳамда сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, кузатувчилар институти аҳамияти, оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашдаги роли сингари муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган барча масала бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон пахта толаси — дунё эътирофида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жорий йилги анжуманга ана шу ниятда келган хорижий компания ва фирмалар вакилларининг, айтиш мумкинки, ҳеч қайсиси қуруқ қўл билан қайтишмади.

— Халқаро ярмаркада ҳар йили иштирок этамиз, — дейди Бангладешнинг “DSM Commodities Ltd.” компанияси бош директори Депок Барал. — Савдога қўйилаётган толаларнинг сифат кўрсаткичлари ниҳоятда юқори. Ранги тиниқ, тоза, чўзилувчанлиги талаб даражасида. Улардан тайёрланган маҳсулот ҳар қандай рақобатга бемалол дош беради. Шунинг учун ўзбек толасидан имкон қадар кўпроқ харид қилишга интиламиз. Масалан, ўтган йили 12 минг тонна тола импорти бўйича шартнома тузган бўлсак, бу сафар ушбу кўрсаткични 50 минг тоннага етказдик. Бундан жуда хурсандмиз.

Таъкидлаш керакки, XII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси қатнашчилари нафақат форум давомида ташкил қилинган анжуманлар, давра суҳбатлари, биржа савдоларида иштирок этиш, балки тўқимачилик ҳамда енгил саноатимиз ютуқлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлдилар.

Гап шундаки, улар тадбирнинг иккинчи кунида пахта хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, толани сифатли сақлаш, харидорларга белгиланган муддатларда етказиб бериш хизмати, калава ип, тўқимачилик маҳсулотлари ва тайёр кийим-кечаклар тайёрлаш жараёнларини бориб кўрдилар.

Меҳмонлар дастлаб пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Ўзбекистон пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятига ташриф буюрдилар.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, у тизимда фаолият кўрсатаётган 98 та корхона ичидаги етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Бу ерда тумандаги 250 дан ортиқ фермер хўжаликларидан қабул қилинган 20 минг тоннага яқин пахта қайта ишланади.

— Бугунги кунга қадар 12,5 минг тонна қимматбаҳо хом ашёни қабул қилиб, пешма-пеш қайта ишлаяпмиз, — дейди ушбу корхона раҳбари Дилмуҳаммад Машарипов. — Қувонарлиси, бу йилги ҳосилнинг сифати ниҳоятда юқори. Уларнинг барчаси “Олий” ва “Яхши” синфларига мансуб. Корхонамиз фаолияти, пахтани бирламчи қайта ишлаш жараёни билан яқиндан танишган чет эллик мутахассислар ҳам тола сифатига юқори баҳо беришди.

Жаҳон бозорига харидоргир маҳсулот чиқариш мақсадида мавжуд пахта тозалаш корхоналари тубдан модернизация қилинмоқда. Шу жумладан, “Ўзбекистон пахта тозалаш заводи” акциядорлик жамиятида кейинги йилларда яна шундай лойиҳалар амалга оширилиб, цехлар энг сўнгги русумдаги технологик линиялар билан жиҳозланди. Мисол учун, Хитойдан келтирилган тозалаш, линтерлаш, пресслаш ускуналари иш унумдорлигини ошириш, тола сифатини яхшилаш имкониятини яратиб бераётир. Ўрнатилган электрон тарози эса онлайн режимида ишлайди. Унинг ёрдамида ҳар бир транспорт воситаси орқали олиб келинган пахта ҳақидаги ахборот тўғридан-тўғри марказий маълумотлар базасига келиб тушади.

Соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан яна бири, бу — юқори сифатли толани ўзимизда чуқур қайта ишлаб, хорижга қўшимча қийматга эга товарлар чиқариш. Шу йўналишда ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар самараси ўлароқ, ҳозирги кунга келиб, заминимизда етиштирилаётган пахта хом ашёсини қайта ишлаш ҳажми истиқлолнинг дастлабки йилларидагига нисбатан 7 баробар ортиб, 50 фоизга етказилди. Бунда чет эллик сармоядорлар иштирокида замонавий ускуналар билан жиҳозланган қўплаб тўқувчилик ҳамда тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилаётгани муҳим омил бўлаётир.

Дарҳақиқат, 25 йиллик мустақил тараққиётимиз даврида енгил саноатимизда 2,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 200 дан зиёд лойиҳалар амалга оширилди. Улар Буюк Британия, Германия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Ҳиндистон каби давлатлар инвесторлари билан биргаликда рўёбга чиқарилгани Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий ҳамкор сифатида тан олинганининг амалий тасдиғидир.

Ярмарка қатнашчилари ташриф буюрган “UZTEX Chirchik” Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси ана шундай илғор субъектлардан бири ҳисобланади.

— Корхонамиз Германия, Швейцария, Италия сингари давлатларнинг энг сўнгги русумдаги ускуна ва дастгоҳлари билан жиҳозланган, — дейди ушбу корхона раҳбари Отабек Асадуллаев. — Улар ёрдамида хом ашёни чуқур ҳамда тизимли қайта ишлаш йўлга қўйилган. 1000 кишилик жамоамиз томонидан чет эллик буюртмачиларга йилига 80 миллион АҚШ долларилик тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар етказиб берилаяпти. Илгари хорижга, асосан, болалар ҳамда катталар либослари, бўялган ва бўялмаган калава ип ҳамда мато сотган бўлсак, жорий йилдан эътиборан улар қаторига пахмоқ мато ва сочиқ маҳсулотлари ҳам қўшилди.

Турфа хилдаги маҳсулотларимиз билан танишган қўплаб чет эллик меҳмонлар ҳамкорлик қилиш истагини билдиришди. Биз эса бу таклифларни бажонидил қабул қилиб, ҳозирданоқ музокараларни бошлаб юбордик.

— Юртингиз тўқимачилик саноатида ижобий маънода “портлаш эффекти” кузатилаётганига ушбу замонавий корхона мисолида яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, — дейди Буюк Британиянинг “ICT Cotton Limited” компанияси вакили Марко Берри. — Бу ерда толани чуқур қайта ишлаш ва тизимли равишда маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилгани таҳсинга лойиқ. Мазкур корхона ярмарканинг очилиш маросимида айтилганидек, ҳар йили амалга ошириладиган юзлаб йирик лойиҳалардан бири эканлигини инобатга оладиган бўлсак, яқин келажакда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти янада ортиши аниқ.

Экспертларнинг фикрича, мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирувчи компаниялар кўпайишида толани сифатли сақлаш, харидорларга ўз вақтида етказиб бериш бўйича кенг тармоқли ҳамда ишончли инфратузилма яратилгани муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Ш. ШАРАПОВ ва Х. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Бугунги кунда юртимизда 21 ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминали самарали фаолият юритаяпти. Уларда маҳсулотни сақлаш ва жўнатишдан ташқари, қўплаб қўшимча хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилгани ишлаб чиқарувчи ҳамда харидор ўртасида олдисотди муносабатларини замон талаблари асосида ташкил этиш имконини бераётир.

Тошкент шаҳрида жойлашган “Тошкент — Тола” терминали республикамиздаги энг йирик пахта терминалларидан бири ҳисобланади. Унга қарашли омборларга 45 минг тоннадан кўпроқ тола сиғиши, унинг бир қисми эркин омбор тизимига ўтказилгани эътиборга моликдир. Бундан ташқари, терминалда яратилган яна бир қулайлик шундаки, тола экспорти билан боғлиқ ҳужжатларни шу ернинг ўзида бир соат ичида расмийлаштириш мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон “Сифат” пахта толасини сертификатлаш марказининг лабораторияси, божхона, давлат карантин назорати пункти хизматлари ташкил этилган.

Ярмарка иштирокчилари “Тошкент — Тола” ихтисослаштирилган минтақавий пахта терминалига ташриф буюриб, унинг мисолида юртимиздаги шундай субъектлар фаолияти билан танишишга мушарраф бўлдилар.

Жаҳон пахта бозорининг бу йилги Тошкент форуми юқори савияда ташкил этилди ва кутилганидек, ҳар томонлама самарали ўтди. Шу маънода, у ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ҳамда хорижий харидорлар ўртасида нафақат савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, балки янги ҳамкорлар топиш, тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда бундан кейин ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилаверади.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий тамойиллари

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг тизимли, босқичма-босқич, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётгани эркин ва демократик сайловларни ўтказишда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, сайловлар, авваламбор, Конституциямиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонунлар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, очиқ ва ошкора, холисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг хоҳиш-иродасини эркин намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт.

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган янгиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади. Комиссия аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, аввало, Марказий сайлов комиссиясини демократик шакллантиришнинг конституциявий устувор нормаларини ифодалаш имконини берди. Қолаверса, унинг фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим тамойиллари бўлмиш мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари Асосий Қонунимизда қатъий мустаҳкамлаб қўйилди. 2014 йил сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга кўра, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонунга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу Қонун билан “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонун 2^1-2^5-моддалар билан тўлдирилди.

Мустақиллик принципи. “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 2^1-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради. Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда қонунчиликка биноан, Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51^2-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятига аралашиш, худди шунингдек, уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтириш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фаолиятида **қонунийлик принципининг** роли беқиёсдир. Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов, референдум тўғрисидаги қонунларга ҳамда бошқа қонунларга амал қилади. Қонунийлик принципи ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиси, давлат органлари фаолиятини ташкил этишнинг асосий негизидир. Марказий сайлов комиссияси фаолиятида қонунийлик принципи нафақат миллий сайлов қонунчилигимизга, қолаверса, умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига амал қилиш билан узвий боғлиқдир. Шу боис Марказий сайлов комиссияси фаолиятида қонунийлик принципининг таъминланиши демократик сайловларни халқаро стандартлар ва миллий сайлов қонун ҳужжатлари нормалари асосида ташкил этиш ва ўтказиш учун шароит яратади. Қонунийлик ва ижтимоий адолат принциплари узвий боғлиқ бўлиб, бу демократик сайловлар жараёнида ёркин намоён бўлади.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Конституция ва қонун устуворлигини назарда тутган нормаларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Асосий Қонунимизнинг 15-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янгиликка кўра, Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар қарорларини ижро этмаслик, номзод, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш, сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш, номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш, сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш учун жавобгарлик назарда тутилади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 146-моддасида сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳамда 147-моддасида эса сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилишга бағишланган ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топган. Бу эса сайлов қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Коллегиаллик принципи. Коллегиаллик принципи ўзининг туб моҳиятига кўра, Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи масалаларни унинг барча аъзоси иштирокида ҳал қилинишини англатиб, жамият манфаатларига бўйсунишининг кафолати ҳисобланади. Бу принципга риоя қилиш Комиссия мажлисларини ўтказиш тартибида ҳам яққол намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, масалаларни эркин муҳокама этишда Комиссия барча аъзосининг тенг иштирокини таъминлашни англатади. Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий кўриниши унинг мажлислари саналади ҳамда улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи ва Комиссия котиби томонидан имзоланади. Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Ушбу нормалар Марказий сайлов комиссияси фаолиятини коллегиал тарзда амалга оширишнинг ҳуқуқий асосидир.

Ошкоралик принципи. “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 2^4-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошкора амалга оширади. Комиссия мажлислари очиқ ўтказилиб, уларда сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига асосан, бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида ўтказилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Адолатлилик принципининг демократик тараққиётга эришишдаги роли жуда каттадир. Марказий сайлов комиссияси номзодларни, сиёсий партияларни сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар билан таъминлаш, сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов, референдум якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Адолатлилик принципи конституциявий даражада ифодаланган принциплардан бўлиб, жамият ва давлатда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг бош мезони саналади. Демократик сайловлар ҳам ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасига кўра, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини Конституция, сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиб юритади, ижтимоий адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Сайлов органи мустақиллигининг конституциявий ривожланиши халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишида ғоятда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига барча имконият яратилган.

Сайловлар миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиб, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор.

ЭЪЛОНЛАР

«Universal auktsion invest» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 14 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-«А» уйда жойлашган, АТИБ «Ипотека-банк»нинг Шайхонтоҳур филиали балансидаги, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 846 ZBA бўлган, «Nexia» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 24 000 000 сўм.

Мазкур автотранспорт воситаси 2016 йил 14 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 15.00 да ўтказилади. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) иш куни қолганда соат 15.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари, савдо ташкилотчисига автотранспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади.

Талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаганидан сўнг автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, шунингдек, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.
Мурожаат учун телефон: (0-371) 236-74-67.

Гувоҳнома № 004059.

1550R/33

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

* 2016 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 19 мартдаги 1-980/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, умумий майдони 66,23 кв. м., тураржой майдони 42,16 кв. м. бўлган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 55-уй, 129-хонадон қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 236 200 000 сўм.

* 2016 йил 31 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 18 сентябрдаги 2-289/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 44-уйда жойлашган, умумий майдони 600 кв. м.дан иборат бўлган 2 қаватли, 9 хонали тураржой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 266 089 082 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига 1 (бир) иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини беш банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.

1552R/366

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон молия-банк тизимидаги янгиланишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиздаги тижорат банклари аҳоли, айниқса, ишбилармонларнинг яқин ҳамкори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Молия муассасалари маблағлари, замонавий хизматлари орқали ўз омонатларини кўпайтираётган ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бозорларимиз тўкинлиги, ҳудудларимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган изланувчан, ташаббускор ҳамюртларимиз муваффақиятлари мисолида бунга яққол амин бўламиз. Албатта, буларнинг барчаси банкларимизнинг замон талаблари асосида фаолият юритаётгани самарасидир.

ТЕЗКОР, ИШОНЧЛИ ВА БАРҚАРОР

Капитал маблағлари ҳамда активлари жиҳатидан юртимиздаги йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган “Асака” акциядорлик тижорат банки ҳам айни шу йўналишда эътиборли натижаларга эришиб келаяпти. Мазкур молия муассасаси мамлакат молия хизматлари бозорида муносиб мавқега эга бўлиб, иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Қолаверса, мулкчилик шакли ва фаолият кўламидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга, шунингдек, аҳоли ижтимоий қатламларига таклиф этилаётган хизматлари ҳамда маҳсулотлари турларини кўпайтириш ва сифатини юксалтиришга астойдил ҳаракат қилмоқда.



Ҳозир “Асака” банки умумий активлари миқдори 7,79 трлн. сўмга, жами капитали 976,9 млрд. сўмга етди. Истиқлол йилларида молия муассасаси жами активлари қарийб 143 баравар, умумий капитали эса 48 карра кўпайди.

Иқтисодиётнинг мустаҳкам таянчи

“Асака” банки мустақиллик йилларида ишбилармон ва тадбиркорларнинг ишончли кўмакчисига айланди. Молиявий муассаса дастлаб автомобилсозлик саноати вужудга келиши ва жадал ривожланишида ҳал қилувчи ўрин тутган бўлса, ҳозирги кунда унинг хизматларидан мулкчилик шакли турлича бўлган хўжалик юритувчи субъектлар баҳраманд бўлаяпти. Хусусан, айни пайтда унинг мижозлари сони 1,8 млн. нафардан ошган. Банк жамоаси автомобилсозлик, тоғ-кон, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, транспорт, қурилиш каби тармоқлар корхона ҳамда ташкилотлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаб келаётир. Бунда банкнинг 26 филиали, 85 минибанки ва чакана банк хизматлари кўрсатувчи 272 шохобчаси хизмати беқиёс.

Шу билан бирга, “Асака” банки инвестициявий жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлик ҳамда барқарорликни, асосий кўрсаткичларнинг изчил ўсишини таъминлаш, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказиш орқали рақобатдош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга доир лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир. Шу боис унинг фаолияти халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаяпти. Жумладан, жаҳоннинг етакчи ва нуфузли халқаро рейтинг агентликлари — “Moody’s” ҳамда “Fitch Ratings” бир неча йилдирки, “Асака” банкини кетма-кет “Барқарор” рейтинг баҳоларига лойиқ, деб топмоқда. Қолаверса, молия муассасаси дунёдаги нуфузли нашриётлар — “Euromoney”, “Global Finance” ва “The Banker” томонидан бир неча бор “Ўзбекистонда йилнинг энг яхши банки” деб тан олинди. Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланаётганини тасдиқлайди.

Реал секторга йўналтирилаётган сармоялар

Айтиш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида реал секторни сармоялар билан таъминлашга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий база шакллантирилган. Энг муҳими, ушбу жараённи тартибга солувчи ҳужжатлар йилдан-йилга соддалаштирилаяпти. Натижада ишлаб чиқариш рентабеллиги ҳамда экспорт салмоғини оширишга эришилаётир. Бунда Биринчи Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бу борадаги устувор вазифалар ижросида “Асака” банки ҳам фаол иштирок этаяпти. Натижада иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган ишбилармонлар ва тадбиркорлар мазкур муассасанинг молиявий кўмагида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ҳамда коммуникация, маиший хизмат ва бошқа тармоқлардаги лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошираётир. Ушбу жараёнда “Асака” банки томонидан кредитлаш ва инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришнинг пухта механизми ишлаб чиқилгани қўл келмоқда. Ўз навбатида, бундай саъй-ҳаракатлар туфайли банк кредит қўйилмалари ҳажми 4 трлн. 89,5 млрд. сўмга етказилди. Мазкур маблағларнинг 3 трлн. 706,4 млрд. сўмлиги узоқ муддатли кредитлардир. Яна бир диққатга сазовор жиҳати, мустақил тараққиёт йилларида ушбу молия муассасасининг кредит қўйилмалари ҳажми 205 баравар ўсди.

Шунингдек, юқоридаги қарор ижроси доирасида банк томонидан 1 трлн. 78,5 млрд. сўм миқдорида сармоялар ажратилди. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, ажратилган кредитлар ҳажми 212,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Мазкур маблағлар юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини жорий қилиш, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва бошқа илғор илм-фан ютуқларига асосланган истиқболли бизнес-режаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Бинобарин, “Асака” банки республикамиз вилоятларида уй-жой қурилиши лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ушбу мақсадлар учун 434 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу сармоялар ҳисобидан 74 та кўп қаватли тураржой биноси қад ростлаб, 2099 та оила барча қулайликка эга хонадонлар соҳибига айланди.

Маълумки, замонавий техника ва агрегатларни харид қилиш учун катта маблағ талаб этилади. Шу маънода, юртимизда фермер хўжаликлари, турли корхона ва ташкилотларга лизинг асосида ана шундай зарур воситалар сотиб олиш учун қулайликлар яратиб берилаётгани айни муддао бўлмоқда. Чунончи, молия муассасаси томонидан жорий йилда 28,1 млрд. сўм миқдорида лизинг хизматлари кўрсатилди. Банк лизинг портфели ҳажми 113,8 млрд. сўмдан иборат бўлиб, у саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар бўйича диверсификациялаштирилган.



Кейинги йилларда иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юксак самара бермоқда. Буни давлат мулки бўлган объектларни хусусийлаштириш, бўш турган биноларни салоҳиятли сармоядорларга инвестиция киритиш шарти билан “ноль” қийматида сотиш бўйича эришилаётган ижобий натижалар ҳам яққол тасдиқлайди. Мазкур жараёнда Биринчи Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаяпти. “Асака” банки ҳам мазкур йўналишдаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиб, салмоқли ютуқларга эришаяпти.

Мисол учун, ўтган қисқа даврда банк балансига қабул қилинган иқтисодий ночор корхоналарнинг 46 таси янги инвесторларга сотилди. Банкрот, деб эълон қилинган ишлаб чиқариш субъектлари негизида молия муассасасининг 14 та шуъба корхонаси ташкил этилди. Бу мақсадлар рўёби учун 79,9 млрд. сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди. Натижада 4116 та иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш фаолияти тикланган саноат тузилмаларида 690,6 млрд. сўмлик маҳсулотлар тайёрланди ва шундан 72,2 млн. АҚШ долларилик қисми экспорт қилинди.

Ишбилармонларнинг яқин ҳамкори

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар иқтисодиётимиздаги чуқур таркибий ўзгаришларнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Соҳа вакиллари учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилиб, улар томонидан тайёрланаётган рақобатдош маҳсулотлар ички ва ташқи бозордан мустаҳкам жой эгаллаяпти. Табиийки, ана шу жараёнда “Асака” банки томонидан ажратилаётган кредит маблағлари ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Бунда “Асака” банки — Тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи” шиори остида иш олиб борилаётгани муҳим омил бўлаяпти.

Молия муассасаси томонидан хусусий секторни қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган сармоялар миқдори йилдан-йилга ошиб бораётгани эътиборга молик. Жорий йилда ушбу мақсадлар учун ажратиладиган кредитлар ҳажми 2002 йилдагига нисбатан 101 баравардан зиёд ўсиши кўзда тутилган. Шу йилнинг 9 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига 1 трлн. 243,5 млрд. сўм миқдорида сармоялар йўналтирилди. Бу маблағлар ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, вилоят, шаҳар ва қишлоқлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб улуш бўлиб қўшилди. Ўз навбатида, кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлиги таъминланди.

Кейинги йилларда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида меҳнат қилаётган изланувчан ва фидойи инсонлар бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифага айланди. Бунда Биринчи Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қўл келмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ички истеъмол бозорини импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга эришилаяпти.

Республикамизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Банк томонидан бу йўналишда ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Масалан, жорий йилда шундай изланувчан йигит-қизларга чорвачилик, асаларичилик, паррандачиликни ривожлантириш ва иссиқхоналар ташкил этиш учун қарийб 11,8 млрд. сўм миқдорида имтиёзли шартларда кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар шарофати билан уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқди. Ҳозир ана шу ёшлар ўз бизнеси орқасидан ҳам оиласига, ҳам жамиятга наф келтираяпти.

Таъкидлаш лозимки, ишбилармон юртдошларимиз сафида ўз меҳнати, интилиши ва ташаббуси билан эътибор қозонаётган тадбиркор аёллар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Бу, албатта, жамият ҳаётида хотин-қизларимиз фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий самарасидир. Ана шу жараёнда мамлакатимиздаги тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағларининг аҳамияти катта.

Хусусан, “Асака” акциядорлик тижорат банки хусусий сектор вакилларининг яқин кўмакчиси саналади. Ҳозир унинг сармоялари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, жойларда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини изчил ривожлантириш, истеъмолчилар эҳтиёжини таъминлаш ҳамда янги-янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётганлар сафи кенг. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аёлларга ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун 106,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Пировардида саноат, савдо ва сервис хизмати кўрсатиш, оилавий бизнес, ҳунармандчилик ҳамда касаначилик билан шуғулланувчи тадбиркор опа-сингилларимиз янада кўпайди.

Умуман, “Асака” банки жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақига 1,6 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратишни режалаштирган.

Қисқача айтганда, “Асака” банки йигирма йиллик фаолияти давомида мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу эса унинг мамлакатимиз ҳамда халқаро молиявий хизматлар бозоридаги мавқеи йилдан-йилга ошишида муҳим роль ўйнаяпти. Банк жамоаси келгусида ҳам ўз фаолиятини изчил такомиллаштириб боришни мақсад қилган.

«Асака» банки материаллари асосида Ф. БЎТАЕВ тайёрлади.

Мижозлар эътирофи

Шавкат АЛИЕВ,
“Раш текстиль” МЧЖ раҳбари
(Кўқон шаҳри):

— Бугун юртимизда хусусий сектор вакилларига яратилган имтиёз ва имкониятлар кўлами жуда кенг. Пухта бизнес-режа тузишдан тортиб, уни муваффақиятли амалга оширишгача бўлган барча жараёнда давлатимиз ишбилармонларга мададкор. Молия муассасалари эса ўз сармоялари билан кўмакка ҳамиша ҳозир.

Фаолиятимиздан қиёс: масъулияти чекланган жамиятимиз республикамизда юксак мавқега эга. Юқори сифатли тикувчилик маҳсулотларимизнинг бозори чаққон, харидори кўп. Уларнинг турини кўпайтириш, дизайнини такомиллаштириш доимий диққат-эътиборимизда. Бунда илғор дастгоҳлар имкониятларидан унумли фойдаланяпмиз. Модернизациялаш лойиҳалари рўёбида эса имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган кредит маблағлари асқатмоқда. Бунинг учун яқин ҳамкоримиз бўлган “Асака” банки жамоасидан миннатдормиз. Унинг сармоялари туфайли ютуқларимиз салмоғи ортаяпти, даромадимизга даромад қўшилмоқда. Ҳозир цехларимизга сўнгги русумдаги ускуналар ўрнатилган. Улар воситасида жаҳон стандартларига мос тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Банк кредитлари туфайли 30 та қўшимча иш ўрни яратдик. Бундан ташқари, жорий йилдан экспортни ҳам йўлга қўйдик.

Келгусида “Асака” банки молиявий кўмагида янги-янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишни мақсад қилганмиз.

Мардонабону ТЎРАҚУЛОВА,
ёш тадбиркор:

— Қўқон педагогика коллежини тамомлагач, ота-онам билан маслаҳатлашиб, иссиқхона ташкил этишга аҳд қилдим. Шу мақсадда “Асака” банкига мурожаат этдим. Молия муассасаси томонидан қисқа муддатда кредит маблағи ажратилди. Ушбу сармоя ҳисобидан замонавий иссиқхона қурдик. “Ойнаванд дала”миз зарур воситалар билан жиҳозланди. Ҳозир биз етиштираётган неъматлар истеъмолчиларга манзур. Харидорларимиз кун сайин кўпаймоқда. Даромадимиз ҳам ошиб, хонадонимизга барака кирди. Энг муҳими, коллежни битирган дугоналарим ҳам иш билан таъминланди.

Кўнглимдаги гапни айтай. Шундай жаннатмонанд юртда туғилганимдан жуда бахтиёрман. Мана, тадбиркорлик қилиб, орзу-ҳаваларимга етаяпман. Оилавий бизнесимиз равнақи учун молиявий мадад берган “Асака” банки жамоасидан ҳам миннатдорман.

Лутфулла ЗОҲИДОВ,
“Зоҳидов Лутфулла Омонжонович”
деҳқон хўжалиги раҳбари
(Фарғона вилояти):

— Юртимизнинг табиий иқлим шароити асаларичиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Мутахассисларнинг таъкидлашича, биргина пахта далаларида ғўза гуллаган даврда икки юз мингдан зиёд болари оиласини парваришлаш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, боларилар ўсимликлар гулини чанглатиб, ҳосилни оширишга хизмат қилади. Бу эса, муҳим жараён саналади. Қолаверса, асал, мум, гулчанги, прополиси, сути ва заҳри жуда қимматбаҳо неъмат саналади. Уларнинг инсон саломатлигидаги ўрни беиҳоя муҳим ва фармацевтика саноати учун зарур хом ашё ҳисобланади. Асаларининг экологияга ижобий таъсири ҳам фанда ўз исботини топган. Шундан келиб чиқиб, асаларичилик йўналишида фаолият бошлашга қарор қилдим. Бунга доир бизнес лойиҳам “Асака” банки жамоасига манзур бўлди. Шу тариқа ажратилган кредит ҳисобидан ишимиз юришиб кетди. Ҳозир шифобахш неъматларимиз аҳолига манзур. Келгусида асални қадоқлашни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Бунинг учун хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатамиз. Натижада 10 та қўшимча иш ўрни яратилади. Бу борада ҳам “Асака” банки молиявий кўмагига таянамиз.

Надежда АЗАРОВА,
“Sizga Baraka” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори
(Яккасарой тумани):

— Уй-жой мулкдорлари ширкатимиз пойтахтимизнинг Яккасарой тумани, Қушбеги мавзесидаги саккизта 5 қаватли ва иккита 9 қаватли тураржойга хизмат кўрсатади. Дастлаб фаолият бошлаганимизда, уй-жой фонди эски, муаммолар эса беҳисоб эди. Рости, ана шу масалаларни бир пайтнинг ўзида ва тезкорлик билан ҳал этиш қийиндек кўринарди. Негаки, бунинг учун маълум миқдорда сармоя зарур эди. Барқарор ривожланаётган “Асака” банкига мурожаат этдик. Муассаса мутахассислари аризамизни қисқа фурсатда кўриб чиқиб, зарур тавсия ва маслаҳатлар берди. Кўп ўтмай, мурожаатимиз ижобий ҳал қилинди. Банк томонидан қурилиш материаллари сотиб олишимиз учун имтиёзли шартлар асосида кредит маблағи ажратилди. Шу ҳисобдан электр, иссиқ ва совуқ сув таъминоти тубдан яхшиланди. Иситиш тизими мукаммал таъмирланди. Ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Муаммоларимиз тезда ҳал этилганидан аҳоли ҳам мамнун бўлди. Бунинг учун “Асака” банки ходимларига миннатдорлик билдирамиз ва уларнинг келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 73 045 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.43 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6